

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВА НАЙИМА ХУДОЙБЕРДИЕВНА**

**ПОЛИМЕРЛАРНИ МЕТАЛЛ АЦЕТАТЛАРИ ЁРДАМИДА ФИЗИК-  
МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

**Фалсафа (PhD) доктори диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора филозофии (PhD)**  
**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Бозорова Найима Худойбердиевна**

Полимерларни турли металл ацетатлари ёрдамида  
физик-механик хоссаларини модификациялаш.....3

**Бозорова Найима Худойбердиевна**

Модификация физико-механических свойств  
Полимеров с использованием различных ацетатов металлов.....21

**Bozorova Nayima Khudoyberdiyevna**

Modification of physical and mechanical properties  
of polymers using various metal acetates.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

**Список опубликованных работ**

**List of published works.....45**

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ КИМЁ-ТЕХНОЛОГИЯ ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ  
ИНСТИТУТИ**

**БОЗОРОВА НАЙИМА ХУДОЙБЕРДИЕВНА**

**ПОЛИМЕРЛАРНИ МЕТАЛЛ АЦЕТАТЛАРИ ЁРДАМИДА ФИЗИК-  
МЕХАНИК ХОССАЛАРИНИ МОДИФИКАЦИЯЛАШ**

**02.00.14 – Органик моддалар ва улар асосидаги материаллар технологияси**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2020**

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/T1722 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтида бажарилган.  
Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб саҳифасида ([www.fktiti.uz](http://www.fktiti.uz)) ва "ZiyoNet" ахборот-таълим порталида ([www.ziyounet.uz](http://www.ziyounet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:** Тураев Эркин Рустамович  
техника фанлари доктори

**Расмий оппонентлар:** Нуркулов Файзулла Нурмўминович  
техника фанлари доктори

Атаханов Абдумутолиб Абдупатто ўғли  
техника фанлари доктори, катта илмий ходим.

**Етакчи ташкилот:** Қарши давлат университети

Диссертация ҳимояси Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc16/30.122019.T.87.01 рақамли Илмий кенгашнинг «17» 9сеп 2020 йил соат 14<sup>00</sup> даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111116, тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шўробозор Тел.:(+99871)199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: [gup\\_tniixt@mail.ru](mailto:gup_tniixt@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институтининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин. (№7 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 111116, Тошкент тумани Ибрат МФЙ п/б Шўробозор Тел.: (+99871)199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: [gup\\_tniixt@mail.ru](mailto:gup_tniixt@mail.ru)).

Диссертация автореферати 2020 йил «9» 9сеп куни тарқатилди.  
(2020 йил «09» 9сеп даги 7 рақамли реестр баённомаси)



Джалилов А.Т.  
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., проф., академик

Ширинов Ш.Д.  
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, т.ф. PhD

Бекназаров Х.С.  
Илмий даражалар берувчи илмий Кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., к.и.х.

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти.** Ҳозирги кунда дунё миқёсида аҳоли сонининг ортиши ва ишлаб чиқаришнинг юқори суръатларда ўсиши, полимерларга бўлган талабни йилдан йилга ортиб боришига сабаб бўлмоқда. Бу ўсиш саноат ва ишлаб чиқариш соҳаларида қўлланилувчи полимерларнинг турлари ва хоссаларига бўлган талабларни ҳам ортишига сабаб бўлди. Бу ўринда автомобилсозликда полимер материалларга юқори конструкцион талаблар қўйилмоқда. Ушбу муаммони ҳал этишда нархнинг арзонлиги ва кўп миқдорда ишлаб чиқарилиши туфайли, полимерларни модификация қилиш ва улар асосида замонвий талабларга жавоб бера оладиган полимер композит материалларни ишлаб чиқаришнинг турли соҳаларида кенг қўлланилаётгани катта аҳамиятга эга. Полимерларни модификация қилиш, физик-механик хоссаларини яхшилаш, уларнинг таркибини ўзгартирмасдан туриб қўшимчалар қўшиш каби бир қанча талабларга жавоб берадиган композит материаллар олиш ҳозирги кунда илмий изланишларнинг асоси бўлиб бормоқда.

Жаҳонда янги композит материаллар асосида автомобиль ҳамда маиший пластик қисмларни ишлаб чиқариш борасида қуйидаги ечимларни илмий асослаш: полимерларга қўшилаётган микро ва нано ўлчамли минерал модификаторларга турли хил реакцион фаол модификаторлар танлаш; полимерларни дисперс заррачалар ёрдамида модификация қилиш; олинган компаундларнинг комплекс хоссаларини яхшилаш учун минерал дисперс Модификаторларнинг юзасини реакцион фаол моддалар билан модификация қилиш; полимерларга юқори молекулали сирт фаол моддалар қўшиш орқали коллоид-физик ва механик хоссаларини яхшилаш зарур.

Республикамизда кимё саноатни модернизация қилиш, ишлаб чиқариш корхоналарининг хом-ашё базасини маҳаллийлаштириш ва улар асосида импорт ўрнини босадиган янги турдаги полимер композит материаллар ишлаб чиқариш борасида илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Ҳаракатлар стратегиясининг учинчи йўналишида юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хом-ашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида «юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»<sup>2</sup> каби муҳим вазифалар белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, хомашё базасидан унумли фойдаланган ҳолда маҳаллий хом-ашёлардан микро ва нанокомпозит материаллар яратиш, улар учун сирт фаол моддалар синтез қилиш, янги композит материаллар олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва уларни ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 28 сентябрдаги ПҚ-2614 сон “2016-2020 йилларда углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш

---

<sup>1</sup>Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПҚ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги қарори

негизда экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”, 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон “2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури” тўғрисидаги Қарорлари ва 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси” тўғрисидаги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожининг VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Полимерлар асосида янги композит материаллар яратиш бўйича дунёда қуйидаги олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда жумладан, Vaia R.A., Hudson S.D., Nalwa H.S., Yang Y., Liu L.M., Zilg C., Kojima Y., Pinnavaia T.J., Sorrentino A., Микитаев А.К, Антипов Е.М., Беданоков А.Ю., Синевич Е.А., Леднев О.Б., Хаширова С.Ю., Wu S., Paul D.R., Van der Wal A., Бауман Н.А., Molnar Sz., Premphet K., Hornsby P.R., Patrick C., Серенко О.А., Kim В.К., Пол Д.Р., Перепелкин К.А., Кодолов В.И., Ширяев М.А., Law M., Lin L., Герасин В. А., Nakache E., Cooper T.M., Reed M.A., Аскарлов М.А., Негматов С.С., Абдурашидов Т.Р., Джалилов А.Т. ва бошқалар илмий тадқиқот ишларини олиб боришган.

Улар томонидан олиб борилган ишлар полимерларни модификациялаш учун мос келадиган қўшимчалар ишлаб чиқиш, олинган маҳсулотни кенг доирада хоссаларини ўрганиш орқали антикоррозион қопламалар, оловбардош - иссиққа чидамли материаллар олиш технологиясига йўналтирилган бўлиб, қурилиш ҳамда ишлаб чиқариш композитларининг самарадорлигини оширишга қаратилган. Сирт фаол органомодификаторлар табиатининг полимерларнинг коллоид-кимёвий, физик-механик хоссаларига таъсири ўрганилган. Ушбу сирт фаол органомодификаторлар ёрдамида минерал модификаторларнинг заррачалари модификация қилинган

Шу билан бирга, индивидуал ва кўп функцияли таъсирга эга реакцион фаол модификаторлардан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотлар қўшимчалар, антикоррозион қопламалар ва оловбардош материаллар сифатини оширишда муҳим йўналиш ҳисобланади. Ҳозирги кунга қадар олинган композит материалларни коллоид-кимёвий, физик-кимёвий технологик ва эксплуатация хусусиятларини модификаторларнинг табиати ва таркибига боғлиқлигини ўрганиш, маҳаллий хомашёлар асосида қулай ва арзон маҳсус хоссаларга эга полимер композитларни олиш ва технологиясини яратиш, уларнинг қўллаш соҳаларини кенгайтириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилаётган илмий-тадқиқот муассасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент кимё-технология илмий тадқиқот институти илмий-

тадқиқот ишлари режасининг ПЗ-201709-268 «Иссиқхоналар учун эксплуатацион даври 1 йилдан 3 йилгача бўлган плёнкалар ишлаб чиқариш учун қўшимчалар (стабилизаторлар) ишлаб чиқиш» (2018-2020 йй.) ва А 12-007 “Маҳаллий хомашёлар асосида сулфоҳлорланган полиэтилен олиш ва уни каучук, адгезиф қопламалар сифатида қўллаш” (2015-2017йй) мавзусидаги амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади:** таркибида металлорганик бирикмалар тутган модификацияланган полимер композит материалларни яратиш ва олиниш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

таркибида металл тутувчи модификаторларни синтез қилишнинг оптимал шароитларини аниқлаш;

синтез қилинган модификаторларнинг таркиби, тузилиши ва хоссаларини физик-кимёвий усуллар орқали ўрганиш;

синтез қилинган ҳамда таркибида металл тутган модификаторлар асосида термик барқарор ва механик мустаҳкам композит материаллар олиш;

модификаторларнинг табиати ва концентрациясига боғлиқ равишда полимер нанокомпозитларини олиш технологиясини ишлаб чиқиш;

олинган композит материалларнинг термик, физик-механик ва ўтга чидамлилиқ хусусиятларини тадқиқ этиш;

ПЭ, ПП ва ПА ларни металл бирикмали модификаторлар асосида модификациялаб олинган композит материалларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ этиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сирка кислотаси, рух оксиди (гидрооксиди), рух ацетат, қўрғошин ацетат, қўрғошин оксиди (гидрооксиди), кадмий оксиди, кадмий ацетат, никел ацетат, никел оксиди (гидрооксиди), полиэтилен, полипропилен, полиамид-полимерлардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг предмети** ПЭ, ПП ва ПА полимерларини модификациялаш. Модификаторлар тури ҳамда миқдорининг полимер нанокомпозитлар шаклланишига таъсирини тадқиқ этиш, шунингдек, нанозаррачали модификаторлар асосида полимерли нанокомпозит олиш технологиясини ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Диссертация ишида кимёвий, термокимёвий, термомеханик, ИҚ- спектроскопия, колориметрик, окувчанлик, физик-механик усуллар, бундан ташқари коллоид-кимёвий, физик-механик ва технологик хоссаларини аниқлашда стандартлаштирилган синов услубларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қўйидагилардан иборат:

металл бирикмалари билан ишлов берилган, турли табиатли модификаторлар полимерларга қўшилганда уларнинг механик ва физик-кимёвий хоссалари яхшиланиши исботланган;

турли хил металл бирикмали модификаторлар ва полимерларни (полиэтилен, полипропилен, полиамид), суюқ фазада аралаштириш усули

ёрдамида, микро ва нано композит материаллар олишнинг технологик усуллари ишлаб чиқилган;

маҳаллий полимерларга 1,0; 3,0; 5,0 % ли металл бирикмали реакцион фаол модификатор (металл ацетатлар) билан ишлов берилганда, олинган нанокомпозитларнинг иссиқ бардошлилиги полиэтилен билан 12°C, полипропилен билан эса 10°C кўтарилиши аниқланган;

маҳаллий полимерлар ва металацетат модификаторлар асосида яратилган композитлар четдан келтириляётганлар модификацияланган полимер материаллар ўрнини босиши асосланган.

#### **Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

маҳаллий полимерлар, металл бирикмали модификаторлар ва полимерлар иштирокида зарбга чидамли, иссиқбордош ва юқори оқувчанликка эга бўлган композитлар таркиби ва тайёрланиш усуллари яратилган;

халқ хўжалиги соҳасида кенг қўлланилувчи пластик қувурлар, маиший техникаларнинг полимер қобиклари учун фойдаланиладиган юқори сифат талабларига жавоб бера оладиган композитлар ишлаб чиқилган;

маҳаллий хомашёлар асосида биринчи марта металацетатлари иштирокида юқори физик ва механик хоссаларга эга бўлган композит материаллар олиш технологияси ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларнинг ишончлилиги** синтез қилинган бирикмаларнинг тузилиши ва хоссалари элемент анализи ҳамда физик-кимёвий (термокимёвий (LABSYS EVO STA дериватограф), сканерловчи электрон-микроскопик, рентгенфазали, ИҚ-спектроскопик (IRTracer-100)) таҳлил натижалари тажриба-саноат қурилмаларида синовдан ўтганлиги ва уларнинг далолатномалари билан тасдиқланган.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олдиндан режаланган хусусиятларга эга модификаторлар, микро ва нано композит материаллар ишлаб чиқаришнинг илмий асослари яратилганлиги ҳамда олинган полимер композитларнинг коллоид-физикавий, физик-механик ва технологик илмий тадқиқот натижаларини умумлаштирилганлиги ва хоссалари яхшиланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, қуйи ва юқори молекулали реакцион фаол моддалар билан, турли тузилишга ва ўлчамларга эга бўлган модификаторлар асосида полимерларни модификация қилиш, унумдорлиги юқори модификаторни танлаш ҳамда улар асосида маҳаллий полимерлар билан композит материаллар яратилганлиги, олинган композит материалларни амалда ишлаб турган заводларда ишлаб чиқаришга тадбиқ қилиниши билан ҳам белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилинганлиги.** Полимерларни металл ацетатлари ёрдамида физик-механик хоссаларини модификациялаш технологиясини яратиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

турли метал ацетатлари ёрдамида модификацияланган полиэтилен ва полипропилен олиш технологияси «INNOVATIVE CHEMICAL TECHNOLOGIYES» ва «POLYMER PIGMENTS» МЧЖ корхоналарида мустаҳкам полимер буюмлар ишлаб чиқаришда жорий қилинган («O'zkiimyosanoat» АЖнинг 2020 йил 21-июлдаги 24-3125-сон маълумотномаси). Натижада, полимерга қўлланилган модификаторлар асосида ишлаб чиқарилган полимер маҳсулотларининг мустаҳкамлигини ва иссиқбардошлилигини ошириш имконини берган;

ишлаб чиқилган технология бўйича модификацияланган полиэтилен ва полипропиленлардан «WOOD POLYMER» МЧЖ ва «RUNO PLASTIK» МЧЖ корхоналарида термик барқарор полимер буюмлар олишда жорий қилинган («O'zkiimyosanoat» АЖнинг 2020 йил 21-июлдаги 24-3125-сон маълумотномаси). Натижада, олинган модификаторлардан фойдаланиб янги турдаги модификацияланган термик барқарор полимерлар буюмлар олиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Тадқиқот натижалари 6 та, шундан 2 та халқаро ва 4 та Республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, шу жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 98 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ҳамда зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети, ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг усуллари тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш, ўтказилган тадқиқотларнинг ишончлилиги, апробация ва натижаларнинг нашр қилиниши, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Полимерлар асосидаги композитларни ўрганишнинг замоновий ҳолати**» номли биринчи бобида диссертация мавзуси билан боғлиқ бўлган нашр этилган илмий ишларнинг шарҳи берилган. Полимерларни модификация қилиш ва уларнинг хоссаларини яхшилашнинг долзарблиги, композит материаллар таснифи, тайёрланиши, хоссалари ва қайта ишлаш усуллари, паст молекуляр бирикмалар,

модификаторлар ва полимерлар асосида полимер композит материаллар, модификаторлар асосида полимер композит материаллар, полиэтиен, полипропилен ва полиамидлар асосидаги полимер композит материаллар ва полиолефинларнинг тузилиши ва ёнувчанлиги ўртасидаги боғлиқлик бўйича илмий изланишлар муҳокама этилган.

**“Металл ацетатлар синтези ва уларни тадқиқ этиш усуллари”** деб номланган иккинчи бобда тадқиқот учун танланган объектлар, синтез ва физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш усуллари асосланган. Электрон сканерловчи микроскопияси, рентген анализи, оптик микроскопия, АКМ (атом кучлари микроскопияси) ва ИҚ-спектроскопия усуллари ёрдамида модификация қилинган полимерларнинг хоссаларини аниқлашга ёндашув тавсифланган. Металл ацетатлари ёрдамида модификация қилинган полимерларни термик тадқиқотлар асосида ўрганиш натижалари ва усуллари келтирилган.

Металл ацетатлар синтези. Бунда реакциянинг асоси сифатида сирка кислота, металл бирикмалари ( $Me = Zn, Cd, Pb, Ni$  тузлари) дан фойдаланган ҳолда металл ацетатлари синтез қилинди. Ҳар бир металл ацетат (модификатор) нинг алоҳида олиниш усуллари келтирилди.

Диссертациянинг учинчи боби **“Полимерларнинг физик-механик ва реологик хоссаларига модификаторларнинг таъсирини ўрганиш”** деб номланади. Бобда металл ацетатлар (модификаторлар) ёрдамида модификация қилинган полимерларнинг (ПЭ, ПП, ПА) физик-механик хоссалари ва баъзи бир ИҚ спектр анализ таҳлиллари муҳокама қилинади.

Ишда металл ацетатлари ёрдамида модификация қилинган полимерларнинг реологик хоссалари ўрганилган.

Олинган натижалар шуни кўсатадики, полимер макромолекулалар орасида ацетат қолдиқлари концентрацияси ортгани сари, мос ҳолда, олинган композитларнинг оқувчанлиги ҳам ортиб бориши аниқланди.


### 1-жадвал

#### Метал ацетат тузлари билан модификацияланган ПЭ нинг реологик хоссалари.

Композит таркиби	Рух ацетат	Кадмий ацетат	Кўрғошин ацетат	Никел ацетат
	Оқувчанлик тезлиги кўрсаткичи (ПТР) гр/10мин			
ПЭ+1,0 %	9	8,7	8,8	9,1
ПЭ+1,5%	9,3	8,9	8,95	9,4
ПЭ+2,0 %	9,8	9,3	9,2	9,8
ПЭ+2,5%	10,4	9,8	9,7	10,4
ПЭ+3,0 %	11	10,6	10,3	10,9
ПЭ+3,5%	11,5	10,9	10,9	11,4
ПЭ+4,0 %	12,1	11,1	11,2	11,9
ПЭ+4,5%	12,7	11,6	11,7	12,5
ПЭ+5,0 %	13	12,3	12,5	13,2

Шунга қарамасдан атомар металл заррачаларининг полимер макромолекулалари орасида жойлашиши ва унинг миқдори ошган сари

композитнинг оқувчанлигини камайтириши керак, деган тахмин бор эди, негаки, атомар металл заррачали полиэтиленни қайта ишлаш ҳароратида (яъни 180-200°C) ҳеч қандай физик ва кимёвий таъсирга учрамаганлиги сабабли макромолекулалар суюқланиб оқиш вақтида механик тўсиқ бўлиб хизмат қилиши кутилган эди.



1 - расм. СОК (ПТР) нинг модификатор концентрациясига боғлиқлиги.

Лекин ацетат қолдиқларининг полимер макромолекулаларига таъсири кўпроқ эканлиги олинган натижалар билан исботланди.

1,0; 2,0; 3,0; 4,0 ва 5,0 % турли металл ацетатларда модификацияланган полимерларнинг СОК (ПТР) и модификацияланмаган полимерларга қараганда 3-40 % юқориқ кўрсаткичга эга бўлганлигини кўриш мумкин (1-расм) ва ушбу қонуният барча металл ацетат тузлари учун ҳам бир хил ошиши кўзатилди.

Ўйлашимизча юқорида қайт этилган механизм бошқа металл ацетат тузлари учун ҳам бир хил бўлади.

Полимерларнинг физик-механик хоссаларига модификаторларнинг таъсири ҳам ўрганилди (2-жадвал). ПП нинг модификацияланган сўнг физик механик хоссалари ўрганилган. Қуйидаги жадвалдан кўришиб турибдики, ПП нинг физик-механик хоссаларида ҳам сезиларли ўзгаришлар кузатилган.


2-жадвал

**Метал ацетатлари билан модификацияланган ПП нинг физик-механик хоссаларининг мунтазамлиги**

Кўрсаткичлар	Стандартлар	ПП - JM 350	ПП+3,0% Zn ацетат	ПП+3,0% Ni ацетат	ПП+3,0% Pb ацетат	ПП+3,0% Cd ацетат
Зичлик гр/см <sup>3</sup>	ASTM D1505	0,9	0,99	0,99	0,99	0,99
Қайишқоқлик модул МПа	ASTM D1238	1100	1400	1450	1550	1530
Чўзилиш %	ASTM D790	100	95	95	100	105
Қайишқоқлик кучи, МПа	ASTM D638	24	26	25	25	25
Изод бўйича зарб бардошлик, кДж/м <sup>2</sup> , +23°C	ASTM D638	6,5	6,3	6,4	6,1	6,2
Изод бўйича	ASTM D256	3	3	3,2	3,1	3

зарб бардошлик, кДж/м <sup>2</sup> , -30°C						
Юк остида эгилиш ҳарорати 1,8 МПа, °C	ASTM D256	45	50	51	49	50
Торайиш (сиқилиш) 24 соат, %	ASTM D648	1,2	1,05	1,05	1,05	1,15
Ёниш тезлиги УЛ-94 мм	Намуна қалинлиги 3.2 мм	45	≤ 40	≤ 40	≤ 40	≤ 40

Мисол учун, қайишқоқлик модули 1100 МПа дан 1530 МПа га ошган, чўзилиш 100 % дан 105 % га ошди ва деярли таъсир ўтқизмади, юк остида эгилиш ҳарорати 45<sup>0</sup> С дан -50<sup>0</sup> С ва чўзилишдаги қайишқоқлик кучи 24 МПа дан 26 МПа гача ошганлигини кўришимиз мумкин.




**2-расм. Композитларнинг қайишқоқлик модулининг модификатор миқдорига боғлиқлиги.**


Модификацияланган полимер композитларининг физик-механик хусусиятлари, модификатор масса улушига боғлиқлиги аниқланди. Тадқиқот натижалари полимер модификаторнинг мақбул масса улуши, рух, кадмий, кўрғошин ва никел ацетатлар бўйича 3 масс.% эканлигини кўрсатади.

Металл ацетатлар улушининг ортиши билан композитнинг юқорида келтирилган механик хоссалари ортиб боради. Қайишқоқлик модули тоза полиэтиленга 1,0 % Zn ацетат тузи қўшилганда 3,6 % га ошганлигини кўриш мумкин, 3,0 % Zn ацетат тузи қўшилганда эса 4,1 % га ошади, лекин Zn ацетат тузи миқдори полимер таркибида 5,0 % етганда олинган композитнинг қайишқоқлик модулида 3,6 % га ошади.

Органик бирикмалар билан тўлдирилган полимерлар (ПЭ, ПП ва ПА) нинг иссиқлик хоссаларини ўрганиш бажарилаётган илмий асосий ишнинг мақсади ҳисобланади. Органик модификаторлардан фойдаланиш полимер композит материаллар иш фаолиятини сезиларли даражада яхшилаши мумкин.



**а** 3-расм. а) 3,0 % металл ацетатлар билан модификацияланган ПП композитлари термограммаси



**б** 1 - ПП + 3,0 % қўрғошин (II) ацетат; 2 - намуна ПП J350 ТГА натижалари композитлари термограммаси.

Полимерларга модификатор (ёки тўлдиргич) киритилиши полимер-модификатор интерфейсида турли ўзаро таъсирларнинг пайдо бўлишига олиб келади, бу эса механик, физик ва кимёвий, шу жумладан, композит материалнинг термо-оксидловчи хоссаларига сезиларли таъсир кўрсатади.

### 3-жадвал

#### ПЭ асосида олинган композитнинг ТГА натижалари


Таркиб	Ҳарорат деструкции, °C	Кокс миқдори 600° C да қолган, %
ПЭ	393	1
ПЭ+ 1,0 % металл ацетат	398	5
ПЭ+ 3,0 % металл ацетат	401	8
ПЭ + 5,0 % металл ацетат	404	10

Олинган термограммалар асосида композит намуналарнинг суюқланиш нуқтаси ва максимал эндотермик суюқланиш таъсирига мос келадиган ҳароратлар, суюқланиш энталпияси ва композитларнинг кристалланиш даражаси аниқланди. Термик анализ таҳлили полиэтилен асосида олинган композитларда ўрганилди.

Полиэтилендан фарқли ўлароқ, нанокомпозитлар кўмир қолдиғини ҳосил қилиш билан парчаланаяди ва қолдиқнинг миқдори ацетатлар кўпайган сари ортади. Кўмир қолдиқнинг пайдо бўлиши нанокомпозитларда термо парчаланиш жараёни мураккаб ҳарактерга эга эканлигини кўрсатади. ПЭ га 5,0 % металл ацетат билан ишлов бериш полимер композит материалнинг иссиқликка барқарорлигини сезиларли даражада ошириш имконини беради. Масса йўқотилиш вақтида металл қатламларининг химоя таъсири маълум даражада кучаяди, бу полимер материаллар юзасида металл заррачаларнинг тўр қатламларини облатив қайтарилиши билан тушунтирилади ва ПЭ оксидланиш жараёнида углеродлаш жараёни содир бўлади, бу аслида кўмир

қатламини ҳосил қилмайди. Полимерга металл ацетатларининг кўшилиши, композитнинг термик барқарорлигини оширган ва парчаланиш ҳароратининг бошланишини юқори ҳарорат ҳудудига ўтказган.

Синтез маҳсулотлари сканерловчи электрон микроскоп билан олинган полимер композитнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш реакцияга киришувчи ва реакцияга киришмайдиган моддаларнинг зарралари, шунингдек, ғовак объектларнинг тарқалиши ҳақида маълумот беради, унда ҳажмий маълумот олишни талаб қилувчи морфология, дисперсия ва бошқа параметрларни баҳолаш муҳимдир




**4-расм. а) ПП/Zn ацетат 3,0 % - 100 марта, б) ПП/Zn ацетат 3,0 % - 500 марта, в) ПП/Zn ацетат 3,0 % - 1000 марта катталаштирилган СЭМ микроскопида ўрганилган наъмуналар.**

Микро расмларнинг кўриниши шундан далолат берадики, ушбу тажриба шароитида метал заррачали модификатор ва полимер фазалари ўртасида уйғунлашган морфология шаклланади. Металл заррачалари ҳосил қилиши мумкин бўлган катта агломератларининг йўқлиги уларнинг полимер матрицалари билан бир меъёрда аралашганлигидан далолат беради. Олинган муълумотлар таҳлили шуни кўрсатадики, (4-расм) ПП/Zn ацетат 3,0 % асосида олинган полимер композит материал 3 хил катталаштирилган ҳолатда ҳам намуналарнинг ўлчами электрон микроскоп ёрдамида 1000 мартагача оширилганда ҳам сиртда материал сифатини бузадиган заррачалар кузатилмади. Бу эса композитларни экструзия жараёнида олишда металл заррачалари полимер бўйлаб бир текис тарқалганлигидан далолат беради.

Модификация қилинган полипропиленнинг юзасини ўрганиш ва таҳлил қилиш, полимер макромолекулалари аро металл заррачаларининг тарқалиши ва уларнинг ўзаро таъсирлаш хоссаларини очиб беради. Олинган натижалар полипропилен (JM350- Узкоргаз) ва 3,0% рух ацетат тузи реакцион аралашмаси натижасида олинган полимер композит материалга нисбатан ўрганилган бўлиб, бизнинг фикримизча қолган наъмуналаримиз учун ҳам аниқланган қонуниятлар тегишли бўлади деб ҳисобланганлиги учун фақат ушбу намунанинг ўзини тўлиқ ўрганиш ишлари олиб борилди.

Таҳлил АКМ Полимерлар кимёси ва физикаси илмий тадқиқот институтида олиб борилган бўлиб, игнасининг қайрилаш радиуси 10 нм ли кремнийли кантиливерлар ишлатилди. Сканерловчи худуднинг ўлчами 1-50 микронгача бўлган. Микроскопия хавода ярим контакт усулида амалга оширилган бўлиб, кантилевер игнасининг амплитудали тебранишинг ўзгариши қайт этилиши, фикримизча, юзанинг топографияси ва фазалар аро харакатнинг тебранишини билдириб (фазовая детекция), маҳаллий юзаларнинг бир бирига адгезиясини ва фазалар туркибининг ўзгаришини кўрсатиб беради. **5-расмда** кадмий билан модификация қилган полипропиленнинг юзаси келтирилган (3D кўриниши).




**5-расм. Кадмий ацетат/ПП: а) уч ўлчамли расм б) икки ўлчамли расм.**

Келтирилган натижалардан кўриниб турибдики тоза полипропилен юзасининг ғадир будурлик даражаси 100 нм, 3,0 % кадмий (II) ацетат сақлаган полипропилен юзанинг ғадир будурлик даражаси эса 210 нм бўлган. Икки ўлчамли расмдан шарсимон 3.75 нм ли метал (кадмий) зарчасини ва унинг атофида ҳам кичик шарсимон заррачалар борлигини кузатиш мумкин. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, адабиётларда кўрсатилганлиги каби, полимер юзани метал заррачалари билан модификация қилиш унинг юзасидаги ғадир будурлик даражасининг ошишига олиб келади. а) расмда кўрсатилгани каби фазалар харакатининг ўзгариши полимерлар юзасида иккита фаза борлигини ва бу полимер макромолекулаларининг метал заррачалари билан механик аралашма ҳосил қилган полимер композит материал устида иш олиб борилаётганлигини билдиради.

Модификаторлар тури билан фарқланувчи композитларнинг дифракцион спектрлари бўйича ўтказилган солиштирма таҳлилга асосан полиэтилен, полипропилен, полиамид асосли композит таркибига ташқаридан киритилган модификацияланган модификаторлардаги қатламлараро масофа қанчалик катта бўлса, қатламли кўшимчанинг эксфолиация даражаси шунчалик юқори бўлади. Бунда қатламли кўшимча эксфолиацияси компонентларни аралаштириш давомийлиги ва аралашма суюқланмасининг қовушқоқлигига ҳам боғлиқ эканлиги кўрсатилди. Рентген нурланиш спектрини таҳлил қилиш намунанинг элементар таркиби ҳақида сифатли натижалар беради.

Намуна спектрини маълум таркибли намуналарнинг спектрлари билан таққослаш микдорий натижалар беради (ютилиш, флуоресценсия ва атом


рақами учун баъзи математик тузатишлардан сўнг). Одатда спектрометрларда рентген дифракцияси кристалларда кузатилади, балки спектрометрлар массивларида намунадан чиқаётган рентген нурлари асл белгиловчи бўшлиқни ўтиши керак, кейин оптик элементлар (кўзгулар ёки дифраксион панжаралар) уларни тўлқин узунлигига кўра дифракция йўли билан тарқатади ва ниҳоят детектор уларнинг фокал нукталарига жойлаштирилади.



**6-расм. а) П3+Сd ацетат 3,0 %, б) П3+Рb ацетат 3,0 %. Рентген фаза спектрларида кўриниши.**

Олинган композит материалнинг ИҚ спектри ўрганилганда ПЭ га хос ютилиш соҳалари кузатилди. Ўртача интенсивликнинг  $1643, 1554 \text{ см}^{-1}$  минтақасида ҳам ютилиш соҳаси мавжуд бўлиб, у  $\text{C}=\text{O}$  гуруҳидаги тебранишларга таалуклидир [115; 225-2566, 137; 170-1716, 138; 4218-42226].  $1080-145 \text{ см}^{-1}$  соҳасида кучли ютилиш кузатилиши ацетат тузлари гуруҳларининг текис деформацион тебранишлари билан боғлиқ. Металл тузларининг интенсив ютилиш чизиқлари  $667$  ва  $597 \text{ см}^{-1}$  соҳада кўринади.

Шунингдек,  $1386 \text{ см}^{-1}$  соҳада ютилиш максимумининг намоён бўлиши молекула таркибида  $-\text{CO}-$  гуруҳи мавжудлигини кўрсатади.  $1386 \text{ см}^{-1}$  соҳадаги ютилиш углерод водород боғларига тўғри келади.  $748, 729$  ва  $626 \text{ см}^{-1}$  соҳадаги ютилиш, металлларнинг карбоксил гуруҳи тутган органик бирикмалар билан ҳосилаларига тегишли.




**7 -расм. а) ПЭ + Ni ацетат 3,0 %; б) ПЭ + Zn ацетат 3,0 %. ИҚ спектрида кўриниши.**

Адабиётлардан маълумки, металорганик бирикмалар билан модификациялаб олинган бирикмалар, мураккаб тузилишдаги металл бирикмали эканлигини ҳисобга олган ҳолда қуйидагича таҳлил қилишимиз мумкин. 2914, 1480, 1360  $\text{см}^{-1}$  соҳада ютилиш максимумининг намоён бўлиши ПЭ хос кўрсаткичлар. 2800, 2970  $\text{см}^{-1}$  соҳада ютилиш  $\text{CH}_2$  ва  $\text{CH}$  боғларга тегишли частоталардир.

Рух ацетат иштирокида олинган композит материалнинг ИҚ спектри шуни кўрсатадики, С ва Н (водород) боғларининг борлиги 2915 ва 2847  $\text{см}^{-1}$  ҳудудида кузатилади. 1400, 1470  $\text{см}^{-1}$  ютилиш частоталари соҳасида  $\text{CH}_2$  ва  $\text{CH}_3$  гуруҳи кузатилади. 600-718  $\text{см}^{-1}$  частотасида ютилиш металлларга хос кўрсаткичларни тасдиқлайди.

Диссертациянинг «Полимерлар билан металацетатлар иштирокида ПКМ олиш технологияси ва техник иқтисодий самарадорлиги» деб номланган тўртинчи бобда металл ацетатлар ёрдамида модификацияланган ПКМ олиш технологияси ва техник иқтисодий кўрсаткич натижалари муҳокама қилинади.

Полимер ва металл ацетатлари ёрдамида олинган янги ПКМ сифатли бўлиши учун, экструдер учувчи газларни чиқариш учун шамоллатгич билан жиҳозланган бўлиши керак. Кўпгина ҳолларда аралаштириш ҳудудлари экстракция ҳудудисига кирадиган суюқланманинг гомогенизациясини (аралаштириш максимал даражада) яхшилаш учун винт тўғридан тўғри тақсимлаш ҳудудига киритилади. Учувчи моддалар полимер билан шамоллатгичга ўтиб боради. Экстракция ҳудудининг узунлиги одатда 2-5D. Аралаштиргич ҳудудидаги каналнинг чуқурлиги катта диаметрли аралаштиргичлар учун 0,4 D дан кичиклари учун эса 0,3 D дан ошади. Экструзия жараёни учун ҳавони ушлаб туриш муаммодир. Бунга бункер ичидаги зарралари билан ҳаво кириши сабаб бўлади.



1-аралаштиргич, 2- оралик бункер, 3- двигатель, 4- ён бункер, 5- ён узатгич, 6- дегазация, 7- чиқиш қисми, 8- сув ваннаси, 9- ҳаво қуритгич, 10- пичоқ, 11- сараловчи, 12- сақлаш ва қадоқлаш бункери.

**8-расм. Полимер компаундлар олиш технологик схемаси**

Оддий шароитда, юклаш зонасида материалнинг қаттиқ зарралари босими ҳавони қаттиқ фазадан ташқарига чиқаради. Бироқ баъзи ҳолларда, ҳаво юклаш ҳудудига қайтолмайди ва одатий экструдерларда парчаланиб кетмагунча полимерда қолади.

Агар ҳаво пуфакчалари экструдердан чиқса, атроф-муҳит ҳавосининг анча паст босими билан тўсатдан таъсирлашиши ва сиқилган ҳаво билан кичик пуфакчаларнинг узулишига олиб келиши мумкин. Лекин бундай катта узилишлар рўй берса ҳам, таркибидаги ҳаво пуфакчалари туфайли экструдерда яъни композитда одатда нуқсонли бўлади.

#### **Янги жорий қилинган КМ нинг иқтисодий самарадорлиги.**

Тадқиқотлар натижасига кўра таклиф қилинаётган таркибли полимер компаундларнинг (маҳаллий хом ашёлар асосида) ишлаб чиқариш нархи ва технологияси импорт қилинаётган полимер композитлардан 1,1 -1,2 марта арзон эканлиги қуйидаги жадвалларда келтирилган.

#### **4-жадвал**

##### **1 тонна модификацияланган ПЭ ишлаб чиқариш учун хомашё нархи**

<b>Таркиб</b>	<b>Хомашё нархи, сўм</b>	<b>1 композит ичидаги, хомашё, кг</b>	<b>1 тонна композит нархи (1000кг)</b>
ПЭ	10 000	970.00	9 700 000
Ме-Ас	7 000	30.00	210 000
<b>Жами</b>			<b>9 910 000</b>

4-жадвалда 1 тонна модификацияланган ПЭ композити ишлаб чиқариш учун дастлабки хомашё нархлари (ишлаб чиқаришдаги 85% реакция унумини ҳисобга олиб) фақат бошланғич модданинг ўзи учун 9 910 000 сўм сарфланади.

5-жадвалда 1 тонна модификацияланган ПЭ композити таннархлари (ишлаб чиқаришдаги 80% реакция унумини ҳисобга олиб) фақат бошланғич модданинг ўзи учун 13 565 400 сўм сарфланади.

#### **5-жадвал**

##### **1 тонна модификацияланган ПЭ композитнинг тан нархи**

<b>№</b>	<b>Номланиши</b>	<b>Нархи, сўм</b>
1	Ишчилар маоши	600 000
2	Ягона ижтимоий тўлов 15%	90 000
3	Хомашё нархи	9 910 000
4	Қўшимча ҳаражатлар	200 000
5	Кўзда тутилмаган ҳаражатлар	100 000
6	Фойда 10%	896 000
<b>Жами</b>		<b>11 796 000</b>
7	ҚҚС 15%	1 769 400
<b>Умумий</b>		<b>13 565 400</b>

6-жадвалда модификацияланган ПЭ композитини ишлаб чиқаришда 1 кг тайёр маҳсулотнинг нархи 13 565 400 сўмга тенг эканлиги ҳисоблаб топилди.

#### 6-жадвал

#### Модификацияланган ПЭ композитининг тан нархи

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	1 кг маҳсулот нархи, сўм	Умумий миқдор, сўм
1	ПЭ/Ме-Ас	кг	1000	13 565,4	13 565 400
<b>Жами</b>					13 565 400

7-жадвалда четдан импорт қилинадиган ПЭ/Пероксид 1 кг тайёр маҳсулотининг Ўзбекистондаги нархи 15000 сўмга тенг эканлиги кетирилди.

#### 7-жадвал

#### Чет элдан импорт қилинадиган модификацияланган ПЭ нинг тан нархи

№	Номи	Ўлчов бирлиги	Миқдори	1 кг маҳсулот нархи, сўм	Умумий миқдор, сўм
1	ПЭ/Пероксид	кг	1000	15 000	15 000 000
<b>Жами</b>					15 000 000

Металл ацетатлар ёрдамида модификацияланган ПЭ композитини импорт ўрнини босувчи маҳсулот сифатида қўллашнинг иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш формуласи қуйдагича келтирилади:

$$Э_{эфф} = (Q_{имп} - Q_{син}) \cdot C$$

Бу ерда:  $Q_{имп}$  – 1 тонна импорт қилинадиган ПЭ/Пероксид маҳсулотнинг таннархи, сўмда;

$Q_{син}$  – 1 тонна модификацияланган ПЭ/Ме-Ас композитининг таннархи, сўмда;

$C$  – кимё саноатининг барча тармоқларини ҳисобга олган ҳолда, керакли композитнинг ҳажми, тонна

$$Э_{эфф} = (15000000 - 13565400) \cdot 1000 = 1\,434\,600\,000 \text{ сўм}$$

Шундай қилиб, модификацияланган ПЭ композитини ишлаб чиқаришда кутилаётган иқтисодий самарага эришилади, кўрилган фойда 1 434 600 000 сўм ёки АҚШ долларларида ҳисобланса (1 АҚШ \$ = 10274.17 сўм) 1 434 600 000 / 10274 = 139 634 \$, транспорт ҳаражатларини ҳисобга олмаган ҳолда, йилига 139 634 \$ иқтисодий самарадорликка эришилади.

Таклиф қилинаётган композитларни мамлакатимизда маҳаллий ҳомашёлардан (ПЭ ва ПП) ишлаб чиқарилганда ҳар бир кг композитдан олинадиган иқтисодий самара ўртача 1434 сўмни ташкил қилади. Автомобиль, қурилиш, маиший техника саноати ва халқ хўжалиги соҳаларида қўлланилувчи полимерларнинг турлари ва хоссаларига бўлган талаблар ортиб бормоқда. Шу боис дунё миқёсида қўлланилувчи иссиқбардош, зарбга чидамли ва енгил композитларга талаб ҳар йили юз минглаб тоннага ортади деб ҳисоблаш мумкин.

Ушбу ҳажмдаги композитларни таклиф қилинаётган метал ацетатлар билан модификацияланган янги турдаги композитларга алмаштириш, Республика иқтисодиётига йиллик ўртача 1 434 600 000 сўм соф фойда олиш имконини яратади.

## ХУЛОСА

1. Рух, никел, кўрғошин ва кадмий ацетатлар асосида турли хил шароитларда ва реагентларнинг турли нисбатларида полимер композитлар олиш учун модификаторлар ишлаб чиқариш усуллари таклиф этилади.

2. Металл ацетатлар билан модификацияланган ПЭ, ПП ва ПАларнинг термик хусусиятлари ДСК ва СЭМ усуллари ёрдамида тадқиқ қилинди. Олинган модификаторларни полимерларнинг табиатидан қатъи назар, уларнинг фазовий тузилишини ўзгартирувчи сифатида фойдаланиш тавсия этилди.

3. Ҳар хил табиатли полимерларнинг комплекс хусусиятларини яхшилайдиган модификаторларнинг оптимал концентрацияси 1,0-3,0 % қўллаш тавсия этилади.

4. Маҳаллий полипропилен, полиэтилен ва металл заррачали модификаторлар асосида юқори физик-механик хоссаларга эга куп фазали композит материаллар яратиш имконияти кўрсатилди ва улар асосида турли композитлар ишлаб чиқаришга тавсия этилди.

5. Металл ацетатлари асосидаги композит материаллар «INNOVATIVE CHEMICAL TECHNOLOGIYES» МЧЖ, «POLYMER PIGMENTS» МЧЖ, «WOOD POLYMER» МЧЖ ҳамда «RUNO PLASTIK» МЧЖ каби корхоналарида муваффақиятли синовдан ўтказилган ҳамда улардан мусатҳкам ва иссиқбардош полимер буюмлар олиш тавсия этилди.

6. Олинган композит материалларни ишлаб чиқаришга жорий этишдан олинган иқтисодий самара йилига 1 434 600 000 сўмни ташкил этиши кўрсатиб берилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.16/30.12.2019.Т.87.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ НАУЧНО-  
ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ ИНСТИТУТЕ ХИМИЧЕСКОЙ  
ТЕХНОЛОГИИ**

---

**ТАШКЕНТСКИЙ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ  
ХИМИЧЕСКОЙ ТЕХНОЛОГИИ**

**БОЗОРОВА НАЙИМА ХУДОЙБЕРДИЕВНА**

**МОДИФИКАЦИЯ ФИЗИКО-МЕХАНИЧЕСКИХ СВОЙСТВ  
ПОЛИМЕРОВ С ИСПОЛЬЗОВАНИЕМ РАЗЛИЧНЫХ АЦЕТАТОВ  
МЕТАЛЛА**

**02.00.14 – Технология органических веществ и материалы на их основе**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО  
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

**Тошкент-2020**

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером В2020.2.PhD/Г1722.

Диссертация выполнена в Ташкентском химико-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета по адресу [www.tktiti.uz](http://www.tktiti.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу [www.ziyo.net](http://www.ziyo.net).

**Научный руководитель:** Тураев Эркин Рустамович,  
доктор технических наук.

**Официальные оппоненты:** Нуркулов Файзулла Нурмунинович,  
доктор технических наук.

Атаханов Аддумутолиб Абдупаттоевич,  
доктор технических наук, старший научный сотрудник.

**Ведущая организация:** Каршинский государственный университет

Защита диссертации состоится «17» сентябрь 2020 г. в «14»<sup>00</sup> часов на заседании Ученого совета DSc.16/30.12.2019.T.87.01 при Ташкентском научно-исследовательском институте химической технологии по адресу: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, ул. Шурабазар, (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: tktiti.uz

С диссертацией можно ознакомиться в ИРЦ (зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Ташкентского научно-исследовательского института химической технологии за № 7) (Адрес: 111116, Ташкентская область, Ташкентский р-н, Шурабазар, (+99871) 199-22-43, факс: (+99870) 965-77-16, e-mail: [gup\\_tniixt@mail.ru](mailto:gup_tniixt@mail.ru)).

Автореферат диссертации разослан «9» сентябрь 2020 года.  
(протокол рассылки № 7 от «09» сентябрь 2020 г.).



Джалилов А.Т.

Председатель научного совета по  
присуждению учёных степеней,  
д.х.н., проф., академик

Ширинов Ш.Д.

Учёный секретарь научного совета по  
присуждению учёных степеней, PhD тех.

Бекназаров Х.С.

Председатель научного семинара  
при научном совете по присуждению  
учёных степеней, д.т.н., стар.науч.сот

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня быстрый рост производства и мирового населения приводит к увеличению спроса на полимеры из года в год. Спрос на полимеры растет день ото дня, особенно в промышленности и производстве. В связи с этим автомобильная промышленность предъявляет высокие требования к конструкции полимерных материалов. В решении этой проблемы, ввиду невысокой стоимости и масштабы производства, большое значение имеет модификация полимеров и их широкое использование в различных областях производства полимерных композиционных материалов, отвечающих современным требованиям. Получение композиционных материалов, отвечающих ряду требований, таких как модификация полимеров, улучшение их физико-механических свойств, добавление добавок без изменения их состава, в настоящее время является основой научных исследований.

Научное обоснование следующих решений по производству автомобильных и бытовых пластмассовых деталей в мире проводятся на основе новых композиционных материалов: подбор различных реакционно-активных модификаторов для минеральных модификаторов микро- и наноразмеров, добавляемых в полимеры; модификация полимеров с помощью дисперсных частиц; модификация поверхности минеральных дисперсных модификаторов химически активными веществами для улучшения комплексных свойств получаемых соединений; необходимо улучшить коллоидные физико-механические свойства путем добавления к полимерам высокомолекулярных поверхностно-активных веществ.

В Республике достигнуты научные и практические результаты в модернизации химической промышленности, локализации сырьевой базы производственных предприятий и производстве новых видов импортозамещающих полимерных композиционных материалов. В третьем направлении Стратегии действий по развитию Республики Узбекистан «Дальнейшая модернизация и диверсификация промышленности за счет перехода на качественно новый уровень высокотехнологичных обрабатывающих производств, особенно разработки готовой продукции с высокой добавленной стоимостью на основе глубокой переработки местного сырья»<sup>3</sup> задачи определены. В этой связи приобретает важное значение эффективное использование сырья, синтез ПАВ для них, разработка новых технологий производства композиционных материалов и их применение в производстве.

Данное диссертационное исследование в определенной степени послужит выполнению задач, предусмотренные, в Указе Президента Республики Узбекистан № ПП-2614 от 28 сентября 2016 года «О мерах по увеличению производства экспортно-ориентированной готовой продукции на

---

<sup>3</sup> Указ Президента Республики Узбекистан УП №4947 от 7 февраля 2017 года о «Стратегии Действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан 2017-2021гг.».

основе глубокой переработки углеводов в 2016-2020 годах», № ПП-3236 от 23 августа 2017 года., «Программе развития химической промышленности 2017-2021гг.» и Постановлении № ПФ-4947 от 7 февраля 2017 года «Стратегия дальнейшего развития Республики Узбекистан», а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

**Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии республики.** Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологии VII – «Химическая технология и нанотехнология».

